

**ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИ  
БЎЙИЧА ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА  
УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Сардор Гуломжонович Раззоқов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Дастлабки тергов ва  
криминалистика кафедраси ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали асосланган илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, тақиқланган экинлар, кўздан кечириш, жиноят, қонунчилик, суриштирув, дастлабки тергов, суд, квалификация.

**ABSTRACT**

This article provides feedback on the crime scene inspection of prohibited crops and develops scientific conclusions based on the analysis of problems and shortcomings.

**Keywords:** Drugs, psychotropic substances, prohibited crops, review, crime, legislation, inquiry, preliminary investigation, trial, qualification.

**КИРИШ**

Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва таркибида гиёвандлик воситалари бўлган тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш давлат сиёсатининг жиноий-ҳуқуқий соҳадаги асосий йўналиши эканлиги барчамизга маълум. Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги жихати юқори бўлиб, аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш, айбдор шахсларнинг қилмишларини фош қилиш ва уларга жазо муқарарлигини

таъминлашда тергов органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлиб, бу жиноятларни аниқланган вақтидан бошлаб ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жиноят ишини қўзғатиб тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» бобида таркибида гиёвандлик воситалари бўлган тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси белгилаб қўйилган.

Жиноят қонунчилигидаги мазкур жиноятнинг мазмунига кўра кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимликлари ёки таркибида БМТнинг «Гиёвандлик воситалари тўғрисида»ги 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган табиий ҳар қандай гиёвандлик воситалари ёки БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий моддалар бўлган экинлар назарда тутилади.

Республика миқёсида тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, мазкур турдаги жиноятлар йилдан-йилга ошиб бораётганлигини қуйидаги таҳлиллардан кўришимиз мумкин. Жумладан, республикада гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш йўналишида 2020 йил якуни бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, айнан тақиқланган экинларни етиштириш ҳолати 2019 йилга нисбатан 40,9% га ошганини, бунда юқори кўрсаткич Фарғона(110,9%), Қашқадарё(50,0%) ва Тошкент вилоятларига (48,5%) тўғри келиб бошқа вилоятларга нисбатан мазкур вилоятларда бу турдаги жиноятларнинг кўп содир этилиши ва ўсиш динамикаси юқорилигини кўришимиз мумкин.

Ушбу турдаги жиноят содир этилган ҳудудни ва жиноятнинг ўсиш камайиши динамикасини ўрганиб, таҳлил қилиш мазкур жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш, қидириб топиш, очилмай қолган жиноятларни фош этиш ҳамда терговнинг тўлақонли ўтказилишига замин яратади.

Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ўтказилишида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб, жиноят аломатларини ўзида акс эттирган ходисанинг натижаларини синчковлик билан фаол ўрганишдан иборатдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ходиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ходиса содир бўлган жойни, мурдани, хайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Ушбу жиноят бўйича кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жиноят ходисасини зудлик билан текширишга, далилларни тўплаш ва расмийлаштиришга имкон беради. Ходиса содир бўлган жойни ўз вақтида ҳамда сифатли кўздан кечириш жиноятнинг очилиши ва ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш, жиноятларини тергов қилиш жараёнида жиноят иши бўйича тўғри квалификацияни амалга ошириш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан келгусида суд органлари томонидан жазони адолатли қарор қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бирок, таъкидлаш ўринлики, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда бир қатор муаммолар учрайди ва ушбу муаммолар жиноятларни тез ва тўла очишга, айбдорларни фош этишга, шунингдек жиноят ишини тўлақонли тергов қилишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Айнан ушбу муаммолар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- 1) ходиса содир бўлган жойни ўз вақтида ва сифатли кўздан кечирилмаслиги;
- 2) ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ашёвий далилларнинг тўғри расмийлаштириб олинмаслиги;
- 3) ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда замонавий техника воситаларидан фойдаланилмаслиги.

Энди ушбу муаммоларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қиламиз ва уларни бартараф этишга қаратилган тавсияларимизни берамиз.

Бир қатор олимлар “ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш муҳим тергов ҳаракати ҳисобланиб, унинг сифатли амалга оширилиши жиноят

ишининг кейинги натижалари муваффақиятли бўлишига хизмат қилади” [1].  
дея таъкидлаб ўтишган бўлсалар, бошқа бир олимлар жамоаси “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади” [2] дея таъкидлаб ўтишган.

Дарҳақиқат, ҳодиса содир бўлган жойни зудликда кўздан кечирилиши у ердаги жиноятчи шахслардан қолган изларнинг табиий ёки сунъий равишда йўқолиб кетишининг олдини олади ва жиноятларни иссиқ изидан очилишида муҳим аҳамият касб этади.

Айрим ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини тақиқланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган вақтдан кечиктириб ўтказиш ҳам жиноятни тўлақонли равишда очилишига ёрдам беради. Тунги вақтда аниқланганида, излар йўқолиб кетишининг ва жиноятчи шахсларнинг қочиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилган ҳолда кўздан кечиришни тундан кундузгача кечиктирилиши ҳодиса жойидаги излар ва экиннинг бегона ўтлардан тозаланганлиги, сув ёки ўғит билан ишлов бериб экинларнинг таги юмшатилиб, парвариш қилинганлигини, яъни ҳодиса жойидаги экинлар экилган экилмаганлиги ёки ўзи ўсиб чиққан чикмаганлигини аниқлаштириб олишга ҳамда экинлар бошқа тақиқланмаган экинлар орасига экилган бўлса, уларнинг барчасини аниқлаб ҳужжатлаштириб олинishiга ёрдам беради.

## МУҲОКАМА

Юқоридаги фикримизнинг тасдиғи сифатида А.В.Белаусов “далилларни тўплаш бўйича тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва кечиктирилмаган ҳолда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Лекин, юзага келган айрим ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ҳам кечиктириш келгусида иш учун муҳим ҳисобланади. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни қоронғу вақтдан кундузгача кечиктирилиши иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳолатларни топиш эҳтимолини оширади” деган фикрни билдирган[3].

Шунингдек, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришдан олдин мазкур тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичига аҳамият бериш керак, яъни тергов тезкор гуруҳининг тўлиқлигини таъминлаш, экилган экиннинг парвариш қилинган қилинмаганлиги, ўзи ўсиб чиққан чикмаганлиги ёки экилганлигини аниқлаш

учун мутахассис агрономни ҳамда турли хил вазиятларни инобатга олган ҳолда кўшимча куч ва воситаларни ҳам жалб қилиш лозим.

Ҳодиса жойини синчковлик билан кўздан кечириш талаб этилиб, кўздан кечирилаётган жой хонадон ҳовлиси, ҳовли атрофидаги томорқа ери бўлсада фақатгина шу экин экилган жойнинг ўзини кўздан кечириш билан чекланмай, мазкур экинларнинг хонаки усулда етиштирилишини, хонадонларнинг том бостирмалари остида ва бошқа ёрдамчи хўжалик хоналарида, дала ховлиларда ҳам етиштирилиши эҳтимолини, уй том бостирмаларида ҳам етиштирилаётган, узиб қуритилаётган ёки сотишга тайёрланаётган бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечираётган тергов тезкор гуруҳининг тақиқланган экинларни экиб парвариш қилаётган шахснинг илгари ҳам шу турдаги жинойтларни содир қилган қилмаганлигига эътибор қаратиши лозим. Амалиётдан маълумки, шу турдаги жинойтларни содир этиш ҳолатлари аниқланиб, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилганида ёки тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида тақиқланган экинларни етиштириб улардан хонаки усулларда гиёвандлик воситаларини тайёрлаган, бангихона ташкил қилган ва ўзи истеъмол қилган гиёвандлик воситалари қолдиқлари ҳамда тайёрлашда ёки истеъмол қилишда ишлатилган нарса ва буюмлар аниқланиб ҳужжатлаштириб олиш ҳолатлари кузатилган.

Шу сабабли, тақиқланган экинларни экиш жинойти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини синчковлик билан амалга ошириб у ерда тақиқланган экинлардан гиёвандлик воситаларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда истеъмол қилишда фойдаланиши мумкин бўлган буюм ва воситаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур буюмларда, гиёвандлик воситасининг қолдиқлари, зарралари ёки тайёрлаган, истеъмол қилган шахсларнинг қўл бармоқ излари ҳамда биологик ажралмалар қолиши мумкин. Бу каби нарса ва изларни аниқлаб, тўғри тадқиқ қилишнинг натижаси мазкур жинойтларни содир этган шахсларни ва уларнинг бошқа қилмишларини ҳам фош этишга ёрдам беради.

Тадқиқотчи Ш.О.Матёзов “Таркибида наркотик моддалар сақловчи ўсимликларни етиштириш жинойтларини аниқлашда бир қатор муаммолар борлигини, республикамизнинг бир неча километрлаб пиёда юриб боришга тўғри келадиган тоғли ҳудудларида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар етиштирилишини назорат қилиш қийинлиги, мамлакатимиз ҳудудининг 21,3 фоизини тоғлар ва тоғ оралиғидаги ботиқ ҳудудлар ташкил этгани сабабли жойлардаги ички ишлар органи ходимларида баъзи тоғли

худудларга автомашинада бориш имкони йўқ, пиёда бориш эса ходимнинг кун давомидаги иш вақтини олади” [4] деб баён этган.

Ҳақиқатда кўздан кечирилаётган худуднинг катталиги ёки ноқулайлиги ҳодиса жойини тўла равишда кўздан кечириш ва далилларни аниқлашнинг имконини бироз чеклаб қўяди. Шу сабабли, тақиқланган экинлар экилган жой ва атрофини кўздан кечириш жараёнида ноқулайликларни бартараф этиш ҳамда жиноятни иссиқ изидан тўла очиш заруратини инобатга олиб замонавий махсус техник воситаларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Биз кўриб чиқаётган жиноят бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аниқланган ўсимликларни расмийлаштириб олишда ҳам муаммоли ҳолатлар учраб туради.

## НАТИЖАЛАР

Жумладан, таъқиланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган вақтда тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб, экспертиза текширувига тадқиқотда фойдаланиш учун бир нечта тупини расмийлаштириб олишади ва қолган қисмини текшириб кўрмасдан аниқланган жойнинг ўзида холислар иштирокида ёқиш йўли билан йўқ қилиш чораларини кўришади. Бу эса жиноят ишларини тергов қилишнинг холислигини таъминланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди ва гумондор шахсларнинг аниқланган экинларнинг барчаси тақиқланган экинлар сирасига кирмаслиги мумкин деган мазмундаги ҳақли эътирозларига сабаб бўлиши эҳтимолини инобатга олишимиз зарур.

Бундан ташқари, мазкур жиноят ҳолати аниқланганида, ҳодиса жойига чиққан тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг ҳодиса жойини кўздан кечиришда далилларни йиғишдаги эътиборсизликлари оқибатида баъзи бир ҳолларда етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни ўстирганлик учун кекса кишилар жинойий жавобгарликка тортилиб, ҳақиқий айбдорлар эса жазосиз қолмоқда, чунки ёши кекса шахслар фарзандларининг жавобгарликка тортилишини хохламай ўзининг ёши ўтганлиги боис озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чоралари қўлланилмаслигининг эҳтимоли юқорилигини назарда тутиб жиноятни ўз бўйнига олиш ҳоллари учраб туради.

Жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ҳамда терговнинг ҳар тамонлама холислигини таъминлаш мақсадида ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида экспертиза текшируви ўтказиш учун тақиқланган экинлар етиштирилаётган хонадонда яшовчи барча шахсларнинг кийимларидан, оёқ кимларидан ва

хонадондаги экинларни парвариш қилишга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги асбоблари (кетмон, ўроқ, теша, белкурак, хаскаш)ни ҳам ҳужжатлаштириб олинишига эътибор қаратилиши лозим.

Ҳужжатлаштириб олинган кийимлар, оёқ кийимлар ва экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларнинг аҳамияти шундаки, мазкур экинларни парвариш қилишда кийимда парвариш қилинаётган экиннинг микрозарралари, бегона ўтлардан тозалаганда қолган тупроқ зарралари, экин экилган жой атрофида оёқ кийим излари аниқланганида гипсли қолиплар ёрдамида олинган изларни хонадонда яшовчиларнинг оёқ кийим излари билан таққослашнинг ҳамда экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларда мазкур экиннинг остидаги тупроқ зарралари ва асбобларнинг дастакларида тақиқланган экинни парвариш қилган шахсларнинг кўлидан қолган бармоқ излар ва биологик изларни текшириб кўриш орқали экинларни ким парвариш қилиб етиштириб келаётганлиги ҳолатига тўлиқ ойдинлик киритиш мумкин.

## ХУЛОСА

Юқоридаги муаммоли ҳолатлардан келиб чиқиб, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида учраб турадиган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги фикрларни билдириб ўтишликни лозим топдик.

Биринчидан, таъқиланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида аниқланган экинларнинг бир қисмини тадқиқот учун расмийлаштириб олиб, қолган қисмини ҳодиса жойининг ўзида йўқ қилинишининг олдини олиш ва сақлаш чоралари кўрилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш иккинчидан, кўздан кечирилаётган ҳудуднинг тўла равишда кўздан кечириш ва далилларни тўплашнинг имконини кенгайтириш мақсадида ички ишлар органларининг тергов-тезкор гуруҳларини учувчисиз учадиган қурилмалар яъни дронлар билан таъминлаш чораларини кўриш, учинчидан, тақиқланган экинларни экиш жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда далилларни аниқлаш ва олиш юзасидан суриштирув ва тергов бўлимларида қўшимча ўқув машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

## REFERENCES

1. Қаранг: Осмотр места происшествия: Практическое пособие / Под ред. А.И.Дворкина. – Москва: Юрист, 2001. – 336 с/ -«Библиотека следователя»; Осмотр места происшествия (тактика и практика): Учебное пособие / В.А.Макаров. – Самара: Самар.гуманит.акад., 2008.- 120 с.; Давыдов А.А. Осмотр места происшествия: Учебное пособие. - - Нальчик: Каб.-Балк. Ун-т, 2003. – 130 с.
2. Жиноят-процессуал ҳуқиқи. Умумий қисм: Дарслик /муаллифлар жамоаси./ ю.ф.д., проф. З.Я.Тўлаганова ва ю.ф.р., доц. С.М.Рахмоновларнинг умумий таҳрири остида – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 230 б.
3. Белаусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. – Москва: ООО Издательство «Юрлитинформ», 2001. – С. 6.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. -2020 -№ 2 (45)